

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

45-46-сон  
(129-130)  
2004 й.  
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkazilgan норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Учинчи бўлим

469. «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 ноябрдаги 530-сон қарори
470. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 ноябрдаги 531-сон қарори
471. «Ўзбектўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмасини тугатиш масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 ноябрдаги 542-сон қарори [Кўчирма]
472. «Қозоғистон Республикаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 18 ноябрдаги 547-сон қарори

### Бешинчи бўлим

473. «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп микдори тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 23 октябр-

даги 23/1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 10 ноябрда 557-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

474. «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар хисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Давлат солик қўмитасининг 2004 йил 29 октябрдаги 118, 01/06-18, 2004-61-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 10 ноябрда 1121-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
475. «Ўзстандарт» агентлигида стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар тоифаларини тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзстандарт агентлиги бош директорининг 2004 йил 8 ноябрдаги 362-сон буйруфи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 11 ноябрда 1422-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
476. «Инвестиция фонднинг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлигининг 2004 йил 25 октябрдаги 01/06-19, 116-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 12 ноябрда 840-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
477. «Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва фалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 1 ноябрдаги 117, 242-В-1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 ноябрда 1295-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
478. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига, ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этиб амалга ошираётган кичик бизнеснинг бошқа субъектларига миллий ва хорижий валютада микрокредитлар бериш тартибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24/16-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 ноябрда 903-б-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
479. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24/15-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 ноябрда 907-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
480. «Маълумотларни узатиш тармоқларида Интернет-провайдерларнинг тармоқларо ўзаро ҳамкорлигини тартибга солиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2004 йил 12 ноябрдаги 374-сонли буйруфи. (*Ўзбекистон Республикаси*

*Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 18 ноябрда 1423-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*

481. «Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан хорижда корхоналар тузиш ёки уларнинг устав фондлари (капиталлари)да улушли иштирок этиш тўғрисида маълум қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартришлар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 15 ноябрдаги 01/10-4232, 05/18365, 45, 120, 2004-64, 01-02/20-33-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 18 ноябрда 1012-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
482. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва гуруч-шолига Жамғарма томонидан аванс бериш ва ҳисоб-китоб қилиш учун ажратиладиган маблағларни қайтариш учун дон маҳсулотлари корхоналарининг ғалла, ун ва гуруч-шолини сотишдан тушаётган маблағларини аккумуляция қилиш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 15 октябрдаги 121, 111-В-5-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 18 ноябрда 653-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
483. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартриш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 11 ноябрдаги 122, 218-В-2-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 19 ноябрда 1149-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
484. «Тижорат банклари томонидан шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24/8-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 19 ноябрда 1424-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш холати тўғрисида 2004 йил 6 ноябрдан 19 ноябргacha бўлган маълумот

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

### **469 Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 71-модда; 2003 й., 10-сон, 97-модда) билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандига қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Чакана савдо корхоналари томонидан товарларни юридик шахсларнинг корпоратив пластик карточкалари бўйича сотиш мазкур банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошида назарда тутилган чеклашларсиз амалга оширилиши мумкин».

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 8 ноябрь,  
530-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **470 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш түғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат бошқаруви худудий органлари тузилмасини такомиллаштириш түғрисида» 2004 йил 5 январдаги 2-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласиди**:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритилсін.

### **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 9 ноябрь,  
531-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 9 ноябрдаги 531-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарлар ва туманлар ҳокимларини аппарати тузилмасини такомиллаштириш түғрисида» 1997 йил 30 сентябрдаги 459-сон қарорида:

а) 96-иловада:

илова номидаги «ва статистика» сўзлари чиқариб ташлансан; «Ҳоким ўринбосари — бўлим бошлиғи» сўзлари «Бўлим бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсан;

«15» ва «14» рақамлари тегишли равишида «14» ва «13» рақамлари билан алмаштирилсан;

б) 106-иловада:

илова номидаги «ва статистика» сўзлари чиқариб ташлансан; «Ҳоким ўринбосари — бўлим бошлиғи» сўзлари «Бўлим бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсан;

«14» рақами «13» рақами билан алмаштирилсан;

в) 116-иловада:

илова номидаги «ва статистика» сўзлари чиқариб ташлансан; «Ҳоким ўринбосари — бўлим бошлиғи» сўзлари «Бўлим бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсан;

«15» ва «14» рақамлари тегишли равишида «14» ва «13» рақамлари билан алмаштирилсан;

г) 126-иловада:

илова номидаги «ва статистика» сўзлари чиқариб ташлансан; «Ҳоким ўринбосари — бўлим бошлиғи» сўзлари «Бўлим бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсан;

«14» ва «13» рақамлари тегишли равища «13» ва «12» рақамлари билан алмаштирилсін.

2. Вазирлар Махкамасининг «Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлеклари ташкилий-кадрлар хизмати макомини ўзгартыриш тўғрисида» 2000 йил 3 августдағи 303-сон қарори 5-бандининг иккінчи хатбоидаги «тengлаштирилган ҳолда» сўзлари «тengлаштирилган ҳолда молиялаштириши таъминласин» сўзлари билан алмаштирилсін ҳамда учинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **471 «Ўзбектўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси-ни тугатиш масалалари тўғрисида**

### **[Кўчирма]**

«Ўзбектўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг молиявий ахволи узоқ вақтдан буён қониқарсиз ахволдаги, кредиторлик қарзларининг катта миқдордаги, корхонани иқтисодий ночор ахволдан чиқаришнинг стратегик режаси йўклиги муносабати билан Вазирлар Махкамаси **қарор қилади**:

1. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитасининг «Ўзбектўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат корхонасини тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. «Ўзбектўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмасини тугатиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш учун иловага\* мувофиқ таркибда тугатиш комиссияси ташкил этилсин.

3. Тугатиш комиссияси:

«Ўзбектўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмасини тугатиш, шу жумладан экология жиҳатидан заарарли ишлаб чиқаришларни, биринчи навбатда чўян куйиш билан боғлиқ ишлаб чиқаришларни демонтаж қилиш бўйича чора-тадбирлар комплексини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда амалга оширасин;

корхона мол-мулки хатловдан ўтказилишини ва қўриқланишини таъминлаш, шунингдек тугатиш комиссиясининг ташкилотлар, меҳнат жамоаси, дебиторлар ва кредиторлар олдидағи манфаатларини ифодалаш учун тугатиш бошқарувчисини тайинласин;

кредиторларни аниқласин ва тугатиш вақтидаги вужудга келган кредиторлик қарзларнинг қайтарилишини таъминласин;

оралиқ тугатиш балансини тасдиқласин, унда тугатилаётган корхона мол-мулкининг таркиби, кредиторлар томонидан қўйилган талаблар рўйхати, шунингдек уларни кўриб чиқиши натижалари тўғрисидаги маълумотларни акс эттирасин;

сотиладиган мол-мулк ва объектлар рўйхатини аниқласин;

\* Илова берилмайди.

енгил саноат корхоналари учун эҳтиёт қисмлар, узеллар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқариш, шунингдек тайёр тикувчилик ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш имконияти мавжуд бўлган обьектлар (бинолар ва иншоотлар) рўйхатини аниқласин. Белгилансинки, ушбу обьектлар «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси балансига бепул ўтказилади ва даромад солиги солиш обьекти ҳисобланмайди;

юқорида кўрсатиб ўтилган рўйхатга кирмаган обьектлар (бинолар ва иншоотлар) негизида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича экология жиҳатидан тоза бўлган бир қатор корхоналар ташкил этиш юзасидан уч ой муддатда таклифлар ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

4. Ўзбекистон Республикаси Иктиносидёт вазирлиги «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ва Ташқи иктиносидий алоқалар агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

тўқимачилик асбоб-ускуналари ва машиналари ишлаб чиқарувчи, республика енгил саноати корхоналарини замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлашда қатнашувчи етакчи хорижий ишлаб чиқарувчилар билан ҳозирги вақтда импорт бўйича сотиб олинаётган эҳтиёт қисмлар, узеллар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқрадиган қўшма корхоналар ташкил этиш;

республика енгил саноати учун асбоб-ускуналарни таъмирлаш бўйича ўқув ва сервис марказлари ташкил этиш юзасидан таклифлар киритсан.

5. Ҳозирги вақтда «Ўзбектўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси эгаллаб турган ҳудудларнинг бир қисми келгусида соғломлаштириш-санитария зonasи ташкил этиш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги балансига ўтказилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси билан келишган ҳолда тугатилаётган «Ўзбектўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳудудининг бир қисми белгилангандан ва берилгандан кейин уч ой муддатда бино ва иншоотларнинг бузилишини таъминласин ҳамда соғломлаштириш ва санитария зonasини ташкил этсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, тугатилаётган «Ўзбектўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мол-мулкини сотиш факат тугатиш комиссияси қарорига биноан қуидаги тартибда амалга оширилади:

асбоб-ускуналар, инвентарлар, хом ашё ва материаллар, тайёр маҳсулотлар захиралари ҳамда бошқа моддий бойликлар кўчмас мулк биржаси орқали, қонун хужжатларида белгиланган тартибда сотилади;

бино ва иншоотлар тендер асосида потенциал инвесторларга, тугатиш комиссияси томонидан белгиланган таркибий ўзгартириш режасига мувофиқ сотилади.

8. Белгилансинки, тугатилаётган «Ўзбектўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мол-мулкини сотишдан тушган маблағлар тугатиш ишлари бўйича харажатларни қоплашга ҳамда корхонанинг кредиторлик қарзларини банкротлик тўғрисидаги қонун хужжатларида белгиланган навбат бўйича тўлашга йўналтирилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тугатиш комиссияси билан биргаликда «Ўзбектўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тугатилиши муносабати билан бўшаб қоладиган ходимларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсинг.

10. «Ўзбектўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Машинасозлик тармоғини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 5 майдаги 208-сон қарорига 2-иловадан чиқариб ташлансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 16 ноябрь,  
542-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

**472 Қозогистон Республикаси билан ҳамкорликни яна-да ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон ва Қозогистон Давлат бошликлари учрашувишнинг Астана шахрида имзоланган 2004 йил 28 майдаги Протоколини бажариш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Қозогистон Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, автомобилларда ташуввлар соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида, шунингдек «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қозогистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 1998 йил 31 октябрда Тошкент шахрида имзоланган Божхона ишларида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги кўрсатиб ўтилган халқаро шартноманинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиботларининг Ўзбекистон Республикаси томонидан бажарилганлиги тўғрисида тегишли билдиришнома юборсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

қонун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар киритсин;

идоравий норматив хужжатлар ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари Р.С. Азимов ва Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 18 ноябрь,  
547-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

## БЕШИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

### **473 Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
10 ноябрда 557-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 20 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Конуни 7 ва 17-моддаларига асосан Марказий банк Бошқаруви **қарор қилиди**:

1. «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисида»ги низомга (1998 йил 2 декабрь, рўйхат раками 557-сон) иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 23 октябрь,  
23/1-сон

Марказий банк Бошқарувининг  
2004 йил 23 октябрдаги 23/1-сонли  
қарорига  
ИЛОВА

### **Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисидаги низомга қўшимчалар**

1. 2.1 бандининг «1 даражали банк капиталининг» сўзидан кейин «ушбу Низомда кўрсатилган холлардан ташқари» сўзи билан тўлдирилсин.
2. Куйидаги таҳрирдаги 2.4 банд билан тўлдирилсин:  
«2.4. ДАК «Ўзбекенгилсаноат» таркибига киравчи корхоналар учун бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчилик-

нинг энг юқори даражаси биринчи даражали банк капиталининг 40 фоизидан ош маслиги керак.

Бунда кредит олиш учун тақдим этилган барча лойихалар ўзини ўзи қоплаш лиги юзасидан қўшимча экспертизадан ўтказилиши шарт.

Мазкур банд 2007 йил 31 декабргача амалда бўлади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**474 Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар хисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 10 ноябрда 1121-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 20 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат солик қўмитаси **қарор қила-ди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 47-сонли, Давлат мулки қўмитасининг 10-1-48-сонли ва Давлат солик қўмитасининг 2002-33-сонли 2002 йил 25 мартағи қарори билан тасдиқланган «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар хисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги низом (2002 йил 11 апрель, рўйхат рақами 1121 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2002 йил 7-сон)нинг 15-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Назорат қилувчи орган давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендларни хисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши масалалири бўйича хўжалик юритувчи субъектларда режали текширишларни, қонун бузилиш ҳолатлари мавжуд бўлганда, режадан ташқари текширишларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади».

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилгандан кейин 10 кун муддат ўтгач кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш., |  
2004 йил 29 октябрь,  
118-сон

**Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 октябрь,  
01/06-18-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 октябрь,  
2004-61-сон

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУФИ

**475 Ўзстандарт» агентлигига стандартлаштириш бўйича  
норматив ҳужжатлар тоифаларини тайёрлаш ва  
рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш  
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
11 ноябрда 1422-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 21 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли «Махсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан буюраман:

1. «Ўзстандарт» агентлигига стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар тоифаларини тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

\* Иловалар рус тилидаги матнда берилган.

3. Ушбу буйруқни бажарилишини назорат қилиш бош директор ўринбосари А.А. Абдувалиевга юклатилсин.

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директори Р. БЎРИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 8 ноябрь,  
362-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**476 Инвестиция фонднинг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
12 ноябряда 840-1-сон билан рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 22 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 2000 йил 5-6-сон, 142-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 15 декабрда ва 1999 йил 20 сентябрда 15 ва 91-сон билан тасдиқланган (1999 йил 25 ноябрь, рўйхат раками 840) Инвестиция фонднинг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
Давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 25 октябрь,  
01/06-19-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 25 октябрь,  
116-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**477 Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун  
харид қилинадиган пахта ва фалла етиштириш ха-  
ражатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга ўзгартришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
16 ноябрда 1295-1-сон билан давлат рўйхатидан ўtkазилди*

*(2004 йил 26 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сонли «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорациясини «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами 2004 й., 31-сон, 358-модда) қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви қарор қилади:

1. Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва фалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида низомга (2004 йил 6 январь, рўйхат рақами 1295 — Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2004 й. январь, 1-2-сон) иловага мувофиқ ўзгартришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 1 ноябрь,  
117-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси в.в.б. М. ЖУМАГАЛДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 1 ноябрь,  
242-B-1-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

Молия вазирлиги, Марказий банки  
 Башқарувининг  
 2004 йил 1 ноябрдаги 117, 242-В-1-сон  
 қарори билан  
 ТАСДИҚЛАНГАН

**Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид  
 қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат  
 банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
 киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банд биринчи хатбошидаги «Ўздонмаҳсулот» ДАК сўзлари «Ўздонмаҳсулот» АК сўзлари билан алмаштирилсин.
2. 7-банд иккинчи хатбошидаги «5 фоиз» ва «2,5 фоиз» сўзлари тегишлича «3 фоиз» ва «2 фоиз» сўзлари билан алмаштирилсин.
3. 11-банндаги «1,25 фоиз» сўзлари «0,75 фоиз» сўзлари билан алмаштирилсин.
4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагросуфурта» ДАСК ҳамда Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринbosари А. ЖЎРАЕВ**

Тошкент ш.,  
 2004 йил 29 октябрь

**«Ўзагросуфурта» ДАСК раиси П. КАЗИЕВ**

Тошкент ш.,  
 2004 йил 29 октябрь

**Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С. ҚОБУЛОВ**

Тошкент ш.,  
 2004 йил 29 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**478 Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари-  
га, ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этиб амал-  
га ошираётган кичик бизнеснинг бошқа субъектларига мил-  
лий ва хорижий валютада микрокредитлар бериш тартибида  
ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
16 ноябрда 903-б-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 26 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) қабул қилиниши муносабати билан Марказий банк Бошқаруви **қарор қиласи**:

1. Марказий банк Бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралда 464-сон билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига, ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этиб амалга ошираётган кичик бизнеснинг бошқа субъектларига миллий ва хорижий валютада микрокредитлар бериш тартиби»нинг (2000 йил 29 феврал, рўйхат рақами 903 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил 4-сон) 1.4-банди охирги хатбошиси қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 ноябрь,  
24/16-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**479 Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари-  
ни, кичик бизнес субъектларини миллий валютада  
кредитлаш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
16 ноябрда 907-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 26 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий бан-  
ки тўғрисида»ги Конунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Фермер  
хўжалиги тўғрисида»ги Конуни (янги таҳрири) қабул қилиниши муносабати билан  
Марказий банк Бошқаруви **қарор қиласи**:

1. Марказий банк Бошқаруви томонидан 2000 йил 4 марта 465-сон билан  
тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, кичик бизнес  
субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби»нинг (2000 йил 7 март, рўйхат  
раками 907 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2000 йил 5-сон) 1.3-банди охир-  
ги хатбоши кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда  
қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустакил хўжалик  
юритувчи субъектдир».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйха-  
тидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 ноябрь,  
24/15-сон

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ БҮЙРУФИ

**480 Маълумотларни узатиш тармоқларида Интернет-проводайдерларнинг тармоқлараро ўзаро ҳамкорлигини тартибга солиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
18 ноябрда 1423-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 28 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Маълумотларни узатиш тармоқларида Интернет-проводайдерларнинг, телекоммуникациялар операторларининг, шу жумладан маълумотлар узатиш тармоқлари операторларининг тармоқлараро ўзаро ҳамкорлигини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Конуни асосида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилишларининг ягона тартибини белгилаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 7 майдаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сон қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида **буюраман**:

1. Маълумотларни узатиш тармоқларида Интернет-проводайдерларнинг тармоқлараро ўзаро ҳамкорлигини тартибга солиш тартиби тўғрисида низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинганидан ўн кун ўтганидан кейин кучга кириши белгилансин.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг  
Бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 12 ноябрь,  
374-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ  
АЛОҚАЛАР АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚҮМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**481 Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан хорижда корхоналар тузиш ёки уларнинг устав фондлари (капиталлари)да улушли иштирок этиш тўғрисида маълум қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
18 ноябрда 1012-1-сон билан рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 28 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 июлдаги 325-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кадрлар потенциалини мустахкамлаш ва фаолиятини ташкил этишин такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорлари тўплами, 7-сон 67-банд) мувофик, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтиносий алоқалар агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтиносий вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси қарор қиласди:

1. Ташқи иқтиносий алоқалар агентлигининг 2000 йил 6 сентябрдаги ЭГ-В-01/20-4488-сонли, Макроиқтиносий ва статистика вазирлигининг 2000 йил 13 сентябрдаги 2-6-6/41-сонли, Ташқи ишлар вазирлигининг 2000 йил 13 сентябрдаги 01/10584-сонли, Молия вазирлигининг 2000 йил 13 сентябрдаги 101-сонли, Давлат солик қўмитасининг 2000 йил 7 сентябрдаги 2000-114-сонли, Давлат божхона қўмитасининг 2000 йил 7 сентябрдаги 02/20-56-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан хорижда корхоналар тузиш ёки уларнинг устав фондлари (капиталлари)да улушли иштирок этиши тўғрисида маълум қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (2001 йил 27 февраль, рўйхат рақами 1012-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил 3-4-сонлари) иловага\* мувофик ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

**Ташқи иқтиносий алоқалар агентлиги раиси Э. ФАНИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 ноябрь,  
01/10-4232-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ташқи ишлар вазири С. САФОЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 ноябрь,  
05/18365-сон

**Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 ноябрь,  
45-сон

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 ноябрь,  
120-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 ноябрь,  
2004-64-сон

**Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 ноябрь,  
01-02/-33-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**482** Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган фалла ва гуруч-шолига Жамғарма томонидан аванс бериш ва ҳисоб-китоб қилиш учун ажратиладиган маблағларни қайтариш учун дон маҳсулотлари корхоналарининг фалла, ун ва гуруч-шолини сотишдан тушаётган маблағларини аккумуляция қилиш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
18 ноябрда 653-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 28 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва «Ўздонмаҳсулот» АК томонидан 2004 йил 2 октябрда МА-05-05-8 / 670-сон ва 3-4 / 170-сон билан тасдиқланган Фалла, фаллани дастлабки қайта ишлашдан олинадиган кўшимча маҳсулот ва фалла чиқиндиларининг эркин нархини келишув 19-сонли Баённомасига асосан, фалла ва уннинг янги улгуржи харид нархлари белгиланганлиги муносабати билан **қарор қиласиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг 1999 йил 8 февралдаги 10-01-сонли ва 111-В-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган фалла ва гуруч-шолига Жамғарма томонидан аванс бериш ва ҳисоб-китоб қилиш учун ажратилган маблағларни қайтариш учун дон маҳсулотлари корхоналарининг фалла, ун ва гуруч-шолини сотишдан тушаётган маблағларини аккумуляция қилиш тартибига»га (1999 йил 27 февраль, рўйхат рақами 653) иловага\* мувофик ўзгартириш киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 11 ноябрь,  
121-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 11 ноябрь,  
111-В-5-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**483** Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
19 ноябрда 1149-2-сон билан давлат рўйхатидан ўtkазилди*

*(2004 йил 29 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2004 йил 7 сентябрда тасдиқланган 40-02-04-2004-сонли Нархномага асосан 2004 йил ҳосили пахта толасининг янги улгуржи харид нархлари белгиланганиги муносабати билан **қарор қиласиз**:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг 2002 йил 25 майдаги 66-сонли ва 218-В-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (2002 йил 12 июнь, рўйхат рақами 1149 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 11-12-сон, Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2004 й., 7-сон, 93-модда) ўзгартириш иловага мувофиқ киритилсин.

2. Ушбу қарор 2004 йил пахта толасини сотишдан бошлаб кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 11 ноябрь,  
122-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 11 ноябрь,  
218-В-2-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

Молия вазирлиги, Марказий банки  
Бошқарувининг  
2004 йил 11 ноябрдаги  
122, 218-В-2-сон қарорига  
ИЛОВА

**Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик  
маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан  
ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини  
сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш**

1. 2-банд иккинчи хатбошидаги «олтмиш олти фоизи» сўзлари «олтмиш саккиз фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.
2. Мазкур ўзгартириш «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ҳамда акциядорлик-тижорат Пахтабанки билан келишилган.

**«Ўзпахтасаноат» уюшмаси Бошқаруви раиси Э. ЗИКРИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 10 ноябрь

**АТ «Пахтабанк» Бошқаруви раиси К. ТОШМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 10 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**484 Тижорат банклари томонидан шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
19 ноябрда 1424-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 29 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қиласди:

1. «Тижорат банклари томонидан шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.
3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари М. Р. Жумагалдиев зиммасига юклатилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 ноябрь,  
24/8-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги маълум қилади:  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг  
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат  
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида  
2004 йил 6 ноябрдан 19 ноябргача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гурухига тавак-  
калчиликнинг энг кўп микдори тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш хақида»  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 23 октябр-  
даги 23/1-сон қарори.

**2004 йил 10 ноябрда 557-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил  
20 ноябрдан кучга киради).**

2. «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (дав-  
лат пайига) дивидендлар хисобланishi, тўланиши ва улардан мақсадли фойдала-  
ниши назорат килиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш хақида»  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Давлат  
солиқ қўмитасининг 2004 йил 29 октябрдаги 118, 01/06-18, 2004-61-сон қаро-  
ри.

**2004 йил 10 ноябрда 1121-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил  
20 ноябрдан кучга киради).**

3. «Ўзстандарт» агентлигига стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар  
тоифаларини тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тас-  
диқлаш хақида» Ўзстандарт агентлиги бош директорининг 2004 йил 8 ноябр-  
даги 362-сон буйргуи.

**2004 йил 11 ноябрда 1422-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил  
21 ноябрдан кучга киради).**

4. «Инвестиция фонднинг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга  
ўзгартиришлар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки  
қўмитаси, Молия вазирлигининг 2004 йил 25 октябрдаги 01/06-19, 116-сон қаро-  
ри.

**2004 йил 12 ноябрда 840-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил  
22 ноябрдан кучга киради).**

5. «Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёjlари учун харид қилинадиган пахта  
ва фалла етишириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тар-  
тиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида» Ўзбекистон Республи-  
каси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви-  
нинг 2004 йил 1 ноябрдаги 117, 242-B-1-сон қарори.

**2004 йил 16 ноябрда 1295-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил  
26 ноябрдан кучга киради).**

6. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига, ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этиб амалга ошираётган кичик бизнеснинг бошқа субъектларига миллий ва хорижий валютада микрокредитлар бериш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24 / 16-сон қарори.

*2004 йил 16 ноябрда 903-б-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 ноябрдан кучга киради).*

7. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24 / 15-сон қарори.

*2004 йил 16 ноябрда 907-з-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 ноябрдан кучга киради).*

8. «Маълумотларни узатиш тармоқларида Интернет-провайдерларнинг тармоқларо ўзаро ҳамкорлигини тартиби солиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳакида» Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги бош директорининг 2004 йил 12 ноябрдаги 374-сонли буйргуи.

*2004 йил 18 ноябрда 1423 -сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 28 ноябрдан кучга киради).*

9. «Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан хорижда корхоналар тузиш ёки уларнинг устав фондлари (капиталлари)да улушли иштирок этиш тўғрисида маълум қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳакида» Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 15 ноябрдаги 01 / 10-4232, 05 / 18365, 45, 120, 2004-64, 01-02 / 20-33-сонли қарори.

*2004 йил 18 ноябрда 1012-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 28 ноябрдан кучга киради).*

10. «Давлат эҳтиёjlари учун харид қилинадиган ғалла ва гуруч-шолига Жамфарма томонидан аванс бериш ва ҳисоб-китоб қилиш учун ажратиладиган маблағларни қайтариш учун дон маҳсулотлари корхоналарининг ғалла, ун ва гуруч-шолилини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 15 октябрдаги 121, 111-B-5-сон қарори.

*2004 йил 18 ноябрда 653-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 28 ноябрдан кучга киради).*

11. «Давлат эҳтиёjlари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамфармаси томонидан ажратилган маблағларни қайtариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 11 ноябрдаги 122, 218-B-2- сон қарори.

*2004 йил 19 ноябрда 1149-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 29 ноябрдан кучга киради).*

12. «Тижорат банклари томонидан шўъба хўжалик жамиятларига қилинган

инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил б ноябрдаги 24/8-сон қарори.

*2004 йил 19 ноябрда 1424-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 29 ноябрдан кучга киради).*